# ЛЕНИНИЗМ — ЗАФАР БАЙРОҒИМИЗ

Н. К. КРУПСКАЯ

## ЎЗ ВА ЎЗГАЛАР ВАҚТИ

Владимир Ильич ўз ва ўзгалар вақтини тежашни ҳам билар эди.

Владимир Ильич эмиграцияда юрар экан, ўз вақтидан иложи борича оқилона фойдаланишга ҳаракат қиларди.

У ҳар куни кутубхонага қунт билан борар ва сансалорликсиз китоблар берадиган кутубхоналарни жуда қадрларди. Шунинг учун ҳам у Лондондаги Британия музейида ишлашни ёқтирарди. У кутубхона очиқ экан ҳар доим вақтдан тўлароқ фойдаланиш учун барвақт туришга ҳаракат қиларди.

Биз Лондонда «айирбош дарс» олар эдик. Русча гапиришни ўрганишни истаган инглиз бизнинг олдимизга келарди, биз эса ундан инглизча гапиришни ўрганар эдик.

Машғулотлар жуда қизиқарли ўтарди. Инглиз бирор марта ҳам кечикмасдан ва дарсни қолдирмасдан белгиланган дақиқада келарди. У худди Ильич каби илмли тилшунос эди. Машғулотлар давом этадиган икки соат вақт ўз ва ўзгалар вақтини қандай тежашнинг намунали дарси бўларди. Ильич фақат ўз вақтини тежашни билгани учун ҳам шунчалик кўп китоб ўқиди, улардан шунчалик кўп кўчирмалар ёзиб олди.

Ильичнинг «Искра» ва «Вперед» редакцияларидаги иши уюшқоқликнинг намунаси эди. Балки Ильичнинг редакциядаги дўстлари буни сезишмаган бўлишлари мумкин, чунки бу мавзуда ҳеч вақт суҳбат бўлмаган эди. Ильич ходимлар ўртасида ишни дарҳол тақсим қилиш, кўрсатмалар бериш, ортиқча гап-сўзларга йўл қўймасдан редакциядаги вақтни ниҳоятда унумли ўтказишни биларди. Бу Ильичга хос фазилат эди. Ким Ильич билан ишлаган бўлса, мақолани ҳам вақтида ёзишни, материални вақтида ўқишни ва корректурасини ҳам ўз вақтида қилишни ўрганиб оларди...

Уюшқоқлик фақат вақтни тежаб қолмай, асабни ҳам сақларди.

У дўстлари ҳақида, уларнинг вақти фойдасиз ўтмаслиги ҳақида ҳам ғамхўрлик қиларди. Омма кенгашга йиғиладиган бўлса Владимир Ильич келганларнинг бирор куни бекорга ўтмаслигига интиларди. 1911 йилда Лонжюмодаги партия мактабига Россиядан талабалар кела бошлашди. Бир қанча ишчилар келди. Бошқаларни ҳам кутиб туриш керак эди. Шундай вақтда Ильич келганлар билан шахсан суҳбатлашишдан ташқари мени ва бошқа бир гуруҳ ўртоқларни дарҳол улар билан тайёргарлик машғулотлари ўтишга сафарбар этарди. Мен уларни хат ва газетага хабарлар ёзишга ўргатардим.

Совет ҳокимияти вақтида Ильич бошиданоқ вақтнинг беҳуда ўтишига қарши курашди. Кўпгина ходимларда мажлисларга кечикиб келишдек эскидан қолган одатлар бор эди. Мажлисга кечикиб келиш бу дўстларнинг вақтини фойдасиз ўтиши демакдир. Ильич халқ комиссарлари Совети мажлисида кечикиб келишларга қарши курашганлигини эслайман.

Халқ Комиссарлари Советининг мажлиси одатда кечқурун соат 6 да бошланарди. Вақт бўлиши биланоқ Ильич трубкани олиб, секретарь ўртоқ Фотиевага қўнғироқ қилар ва «Халқ Комиссарлари Совети аъзоларидан бирор киши келдими?» деб сўрарди. Агар бирор киши келган бўлса Ильич олдиндан тайёрланган портфелни олиб, Совнаркомга тез одимлар билан борарди. Агар ҳеч ким келмаган бўлса Ильич «Агар бирор киши келса дарҳол менга қўнғироқ қилинг» деб тайинлаб қўярди. Ўзи эса ҳеч вақт кеч қолмасди. Шу туфайли кўп ўтмай ҳамма Совнаркомга ҳеч бир кечикмай ўз вақтида келадиган бўлиб қолди.

Владимир Ильич расмиятчиликка қарши курашар экан, иш вақтини йўқотиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай сансалорликнинг зарарини алоҳида таъкидларди. Биз сиёсий маорифчиларни сансалорликка қарши курашга ўргатди. У сиёсий маорифчиларнинг иккинчи съездида бизнинг вақт ва кучни талон-торож қилишга қарши курашиш вазифамиз ҳақида махсус гапирди.

Ленинннинг ўзи ва бошқалар вақтини тежай билиши бутун ҳаёти давомида қизил ипдан ўтди. Ильич билан ишлаган дўстлари буни яхши эслашади. Биз ҳаммамиз ўз ва ўзгалар вақтини ильиччасига тежашни ўрганишимиз керак.

Ҳозир партия бизнинг бу вазифамизнинг жуда ўткирлигини таъкидламоқда.

### МУЗЕЙНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИДА

**Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги арафасида Владимир Ильич Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига келувчилар кўпайиб кетди. Республика пойтахтининг аҳолиси ва меҳмонлари доҳийнинг ҳаёти ва фаолиятига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Филиалнинг лекторийсида «Ленин — раҳбар, ўртоқ, инсон», «Партия ва давлат фаолиятида ленинча услубнинг асосий хусусиятлари» мавзуида лекциялар бошланди.**

**Музей стендларида партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг шаҳар комсомоллари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. (ЎзТАГ).**

## БУЮК ВА ОДДИЙ

Владимир Ильич Ленин Карл Маркс ва Фридрих Энгельс иши ҳамда таълимотининг гениал давомчисидир. У ўзининг назарий ва амалий фаолиятида марксизм ғоясини мужассамлаштирди. Ленин илмий коммунизм асосчиларининг таълимотига ижодий муносабатда бўлди, улар томонидан ишлаб чиқилган революцион кураш назарияси, стратегияси ва тактикасини ҳар томонлама ривожлантирди ва бойитди.

Ильичнинг қисқа, бироқ ёрқин ҳаёти коммунистик жамият қурувчилари авлодларига янги ва янги намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Ленинннинг ҳаёти революция ғалабаси учун, халқ фаровонлиги учун кураш йилларидан, ниҳоятда жўшқин фаолият йилларидан иборат бўлди. У 24 ёшга тўлганидаёқ агар марксчилар ишчилар синфини онгли қилсалар ва агар ишчилар синфи деҳқонлар билан бирлашса, бу куч чоризмни ағдариб ташлаши, Россия тўғридан-тўғри коммунистик революцияга бориши ҳақидаги фикрни айтди.

В. И. Ленин ишчилар синфи ғалабаси, коммунизм ғалабасининг муқаррарлигига қатъий ишонарди ва бошқаларда ҳам шундай ишончни ҳосил қиларди. Ленинчи ғояларнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турипти. Бизнинг кўп миллатли Ватанимиз, СССРда қурилган етук социалистик жамият, совет халқи эришаётган барча ғалабалар ана шу ғоянинг амалдаги ёрқин исботидир.

«Мамлакат босиб ўтган йўл, унинг иқтисодий-социал ва маданий ютуқлари,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия XXVII съездидаги Сиёсий докладда,— марксча-ленинча таълимотнинг ҳаётийлигини, социализм замирида ётган ва совет жамияти тараққиётида мужассамлашган улкан потенциални яққол тасдиқлаб турибди».

Лениннинг 55 томлик тўла асарлар тўпламига бирлашган мероси салкам 9 минг асар ва ҳужжатдан иборатдир. Жаҳонда Владимир Ильич Ленин асарлари каби кенг тарқалган бошқа автор йўқдир. Бу асарлар дунёнинг 130 тилида нашр этилган.

Улуғ доҳий марксизмнинг барча таркибий қисмлари — фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмни янги тарихий шароитларда ривожлантирди ва бойитди. Жумладан, Владимир Ильичнинг марксистик фалсафага қўшган ҳиссаси революцион назариянинг янада ривожланиши учун улкан аҳамиятга эга бўлди. У энг янги табиёт-илмий кашфиётларни умумлаштириб, XX аср фани даражасига мувофиқ марксча фалсафий материализмни ривожлантирди.

В. И. Ленинннинг буюк хизматларидан бири шундаки, у империализм тўғрисидаги назарияни ишлаб чиқди. Ўзининг «Империализм капитализмнинг юқори босқичидир» классик асарида Карл Маркснинг «Капитал»ида олдинга сурилган ғояларни янада ривожлантирди ва давом эттирди. Владимир Ильич империализмни чуқур марксистик таҳлил қилди, уни монополистик, текинхўр ва ҳалок бўлувчи капитализм деб таърифлади. Империализм капитализмнинг юқори ва сўнгги босқичи эканлигини исботлади.

Ленин ўша вақтда Россия бошидан кечираётган социал-иқтисодий кризисдан халос бўлишнинг тўғри йўлини топишга муяссар бўлди. Максим Горькийнинг жуда ўринли таърифлашича, Ленин келажак юксакликларидан туриб ҳозирни кўришдек ноёб ақл эгаси эди. Тарих уни ижтимоий тараққиёт жуда кўп мураккаб вазифаларни ўртага қўйган бурилиш босқичида сиёсий ҳаёт саҳнасига олиб чиқди. Горький айтганидек, бутун планетадаги юз миллионлаб кишиларнинг тақдири ана шу мураккаб вазифаларнинг ҳал қилинишига боғлиқ эди. Ленин ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг интилишлари, орзу ва умидларининг ифода этувчиси эди.

Меҳнаткашлар душманлари кўпинча бамисоли ленинизм фақат рус воқелиги деб айтар эдилар. Марксизм-ленинизмни бундай тушуниш ҳақиқатга ҳеч вақт тўғри келмаган. Ленинизм бу марксизм тараққиётининг янги, юксак босқичидир, ҳозирги замон даври марксизмидир, у ўзида халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати эришган энг яхши нарсаларни мужассамлаштирган, у Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва социалистик қурилиш, халқаро пролетар ҳаракати ва эзилган миллатларнинг миллий-озодлик кураши тажрибасини умумлаштирган, у барча мамлакатлар меҳнаткашлари учун йўлчи юлдуз таълимотдир.

Илмий олдиндан кўриш қобилиятига эга бўлган Ленин халқларнинг революцион ва миллий-озодлик кураши кенг ёйилишини, турли мамлакатларда социалистик қурилиш формалари ва методлари турли-туман бўлишини олдиндан айтиб берди. У Россия узра дастлабки революция учқунлари порлаётган вақтда революцион ҳаракатга бошчилик қилди. Ленин назарий ечимлар аҳамиятини юксак баҳолагани ҳолда назария қотиб қолган нарса эмаслигини, ҳаракат учун қўлланма эканлигини такрорлашни яхши кўрарди. У буюк диалект эди, сиёсий арбоб сифатида марксистик назария ва революцион практиканинг узвий боғланганлигини англарди. Ильич ана шу икки нарсанинг бирлигини революцион курашнинг олий қонуни деб ҳисобларди.

Ленин томонидан социализмнинг айрим олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги таълимоти илмий социализм назарияси ва амалиёти бирлигининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Доҳийнинг бу таълимоти СССРда муваффақиятли амалга ошмоқда. В. И. Ленинннинг таълимоти интернационал аҳамиятга эгадир. Чунки у келажак учун ягона тўғри йўлни кўрсатади, бутун бир даврнинг байроғи ҳисобланади, социалистик ҳамкорлик мамлакатлари, планетамизнинг миллионлаб меҳнаткашлари учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Ана шундай буюк инсон ниҳоятда оддий бўлганлигини биз яхши биламиз. Уни кимдир, нима билан дир бошқалардан устун қўймоқчи бўлса, унга имтиёзли шароит яратмоқчи бўлса, Владимир Ильич бунга ҳеч тоқат қилмас, қаттиқ норозилик билдирар эди. Лениннинг ягона бойлиги китоблар эди. Бундай китоблар ҳамма жойда — Кремлдаги иш кабинетида ҳам, қўшни хонада ҳам, яшаб турган квартирасида ҳам кўп эди. В. И. Ленинннинг шахсий кутубхонасида жаҳоннинг 19 тилида нашр этилган китоблар бўлган. Ленин музейига ташриф буюрганлар буюк инсон ишлаган ва яшаган жуда оддий шароитни кўриб, таажжубланадилар. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси инсонлар инсонини эслатади, унинг халққа бўлган катта меҳр-муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

Владимир Ильич Ленин иш кабинетида ёзув столи, креслолар, китоб шкафларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Уларнинг бирида рангли металлдан шарқ услубида безатилган чиройли фотоальбом турипти. Унга «Туркистон» деб ёзиб қўйилган. Шундай сатрларни ҳаяжон билан ўқийсан киши: «Жаҳон революциясининг ҳурматли доҳийсига. Сизнинг куч-ғайратингиз туфайли Туркистон асрлар давомидаги уйқудан уйғонди ва социалистик революциянинг Шарқдаги авангарди бўлиб чиқмоқда. Сизнинг жаҳон социалистик революциясини ривожлантириш тўғрисидаги таҳлилингиз тўғри бўлиб чиқди: Шарқда революцион миллий ва синфий ҳаракат кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Синфий ҳаракат коммунистик интернационалнинг қудратли резерви бўлиб қолмоқда.

Сизнинг миллий масала бўйича кўрсатмаларингиз ва РКП XII съездининг шу ҳақдаги қарорлари ҳам тўғри бўлиб чиқди. Бу альбомда сўнгги йиллардаги буюк революцион воқеалар тасвирланган. Туркистон республикаси эзилган синфларнинг буюк доҳийсига содиқлик ва меҳр-муҳаббат белгиси сифатида ушбу альбомни қабул қилишингизни илтимос қилади».

Владимир Ильич Ленин меҳнаткашларнинг буюк пролетар доҳийси бўлибгина қолмай, шу билан бирга гениал олим, назариётчи, инсонлар инсони эди. Унинг ғоялари улкан илмий-ижтимоий кучга эга. КПСС Программасида шундай дейилади: «Маркс ва Энгельс ишининг гениал давомчиси Владимир Ильич Ленин янги тарихий шароитларда уларнинг таълимотини ҳар томонлама ривожлантириб, ҳозирги замоннинг туб масалаларига жавоб топиб ҳал қилиб берди, ишчилар ҳаракатини социалистик революция ва социалистик қурилиш назарияси билан, уруш ва тинчлик проблемаларига илмий қарашлар системаси билан қуроллантирди.

Марксизм-ленинизм — яхлит революцион таълимот. Улуғ Ленин тузган партия илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан боғлашнинг, назария билан практика чамбарчас бирлигининг жонли тимсоли бўлиб қолди. У марксизм-ленинизм партияси, революцион ҳаракат партияси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади».

КПССнинг кўп қиррали фаолияти Ленин номи, ишлари, васиятлари билан синовдан ўтади. Ленинча иш услуби, ленинча турмуш нормалари, ленинча ғалаба қилиш фани — бу сўзлар партиямизнинг XXVII съезди минбаридан бир неча бор жаранглади, партия ва Совет ҳукуматининг кейинги ҳужжатларида қайд этилди. Ленинча таълимот билан қуролланган партия совет халқини коммунизм сари ишонч билан бошлаб бормоқда. Совет кишилари турмуши ва фаолиятларининг бирор соҳаси йўқки, унда Ленин ғояларининг ҳаётбахш таъсири ҳар куни сезилмаётган бўлсин.

**В. ШАПОВАЛЕНКО,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**



**● Ленинградда улуғ доҳий В. И. Ленин номи билан боғлиқ бўлган жуда кўп зиёратгоҳ жойлар, ёдгорликлар бор. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси туғилган кун арафасида жуда гавжум бўлиб кетади. Ленинградликлар ва меҳмонларнинг бундай жойлар томон оқими узлуксиз давом этади. Улар революцион шон-шуҳратга бурканган музейлар экспозициялари, тарихий ёдгорликлар билан танишадилар. Суратда: (чапдан) экскурсиячилар В. И. Лениннинг Смольнийдаги биринчи иш кабинетида.**

**Н. Науменков** фотоси.
**ТАСС** фотохроникаси.

●

**РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтининг Ленин номли майдонидаги улуғ доҳий ҳайкали ёнида у туғилган кун арафасида ёш авлод вакилларини пионерлар сафига қабул қилиш яхши анъана бўлиб қолган. Куни кеча яна бир шундай қувончли тантана бўлиб ўтди: минглаб ўқувчилар пионерлар сафига қабул қилинди.**

**Р. Альбеков** фотоси.

●



**МАРКС ВА ЭНГЕЛЬС ИШИНИНГ ГЕНИАЛ ДАВОМЧИСИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ЯНГИ ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАРДА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМОТИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИБ, ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ТУБ МАСАЛАЛАРИГА ЖАВОБ ТОПИБ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРДИ, ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИНИ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ ВА СОЦИАЛИСТИК ҚУРИЛИШ НАЗАРИЯСИ БИЛАН, УРУШ ВА ТИНЧЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИГА ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР СИСТЕМАСИ БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРДИ.**

**МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ — ЯХЛИТ РЕВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТ. УЛУҒ ЛЕНИН ТУЗГАН ПАРТИЯ ИЛМИЙ СОЦИАЛИЗМНИ ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИ БИЛАН БОҒЛАШНИНГ, НАЗАРИЯ БИЛАН ПРАКТИКА ЧАМБАРЧАС БИРЛИГИНИНГ ЖОНЛИ ТИМСОЛИ БЎЛИБ ҚОЛДИ. У МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ПАРТИЯСИ, РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТ ПАРТИЯСИ БЎЛИБ КЕЛДИ, ҲОЗИР ҲАМ ШУНДАЙ ВА БУНДАН БУЁН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.**

(КПССнинг янги таҳрирдаги Программасидан).

М. И. УЛЬЯНОВА

## ГЕНИАЛ АҚЛ ЭГАСИ

«Революция Владимир Ильичнинг оммага бевосита таъсир қилиши учун жуда катта имконият берди. Владимир Ильич билан революцион омма ўртасида шу қадар мустаҳкам бирлик вужудга келдики, уларни бирбиридан ажратиш асло мумкин эмас эди. Владимир Ильич қўзғолон кўтарган миллион-миллион ишчи ва деҳқонлар учун революцион фикр лабораторияси эди. У гениал ақл эгаси бўлиб, ишчи ва деҳқонларнинг энг эзгу ниятларини ҳам, билимларнинг энг юксак чўққиларини ҳам биларди. Владимир Ильич навбатдаги ҳар бир проблемани ҳал этишда пухта фикр юритар, ҳар бир қадамини тажрибада ва айрим кишилар билан, кўпинча оддий ходимлар билан шахсий суҳбатда текшириб кўрар эди. У ҳар бир тадбирни кенг халқ оммасига тушунтиришга, ҳукуматнинг бирон-бир қонуни ёки фармойишига оддий ишчи ва деҳқонлар қандай қараганликларига алоҳида аҳамият берар эди. Ўша маҳалда озиқ-овқат халқ комиссари бўлган А. Д. Цурюпа Владимир Ильичнинг таклифига биноан самимий гаплашиш ва деҳқонлар оммасининг орзу-умидларини уларнинг ўз оғзидан эшитиб, билиб олиш учун бир неча оддий деҳқонни ўз ҳузурига чақирган эди.

Владимир Ильич ўз олдига келган барча ишчи ва деҳқонлар билан доимо суҳбатлашар эди. Ишчи ва деҳқонлар унинг ҳузурига ҳеч қандай навбатсиз кираверар эдилар. «Лениннинг буюклиги нимада?» деб савол беради ўз хотираларида Ленин ҳузурида бир неча марта бўлган деҳқон Чернов. «Унинг буюклиги шундаки, у менга, албатта, оддий бир кишига қулоқ солгандай қулоқ солади, лекин мен орқали бутун деҳқонларга қулоқ солади ва мен орқали омманинг қанчалик мураккаб вазиятда эканлигини кўра билди».

## ДОҲИЙ ОРЗУ ҚИЛГАНИДЕК

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин шарқ халқлари, шу жумладан, Туркистон меҳнаткашлари тўғрисида доимий жуда катта ғамхўрлик қилди. У Халқ Комиссарлари Советининг Раиси сифатида мамлакатни бошқариш билан боғлиқ бўлган жуда кўпдан-кўп ишлар билан банд бўлишига қарамасдан Туркистонда социалистик қурилишнинг мураккаб масалаларини ҳал қилишга ҳамиша вақт топар эди. Владимир Ильичнинг фаолиятида ўлка партия ва совет ташкилотларининг ишлари муҳим ўрин тутарди.

В. И. Лениннинг шахсий ташаббуси ва бевосита иштирокида Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонган дастлабки пайтлардаёқ Ўрта Осиёга таниқли партия, давлат арбоблари юбориб турилди. 1919 йилда бевосита В. И. Лениннинг иштирокида РКП(б) Марказий Комитети, Бутунроссия Марказий ижроия комитети ва РСФСР халқ Комиссарлари Советининг Туркомиссияси, 1920 йилда эса Ўрта Осиё бюроси тузилди. Бу ерда ишлаш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун таниқли партия ва давлат арбоблари, оташин революционерлар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ш. Э. Элиава ва бошқалар юборилди.

Ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда В. И. Лениннинг Туркистонга бағишланган асарлари жуда муҳим роль ўйнади. Бу ердаги большевистик ташкилотлар учун В. И. Лениннинг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хати, 1919 йил 22 ноябрда Шарқ халқлари коммунистик ташкилотининг Бутунроссия II съездида, 1920 йил 19 июнь ва 7 августда Коммунистик Интернационалнинг II конгрессида қилган докладлари, бошқа асарлари амалий фаолиятларида дастуриламал бўлиб қолди.

В. И. Ленин Россиянинг собиқ чекка ўлкаларида маҳаллий халқларга янги жамият қуришда кўмаклашаётган революционерларнинг фидойиликларига жуда катта баҳо берди. Партия ва халқнинг бу буюк содиқ фарзандлари Владимир Ильич сўзлари билан айтганда «ўзларини тамомила ишчилар синфини озод қилиш учун курашга бағишладилар. Булар... пролетар оммаси ўртасида ҳақиқатан қаттиқ туриб ҳеч оғишмасдан иш кўрдилар, уларнинг онгини ўстиришга ёрдам бердилар, уларнинг революцион ташаббускорлигини кучайтирдилар».

В. И. Ленин Москвада Туркистондан келган большевикларни қабул қилиб, улар билан самимий суҳбатлашарди. 1918 йилдан КПСС аъзоси Туркистон Марказий Комитети аъзоси, II Бутунроссия Советлар съезди делегати бўлган Ҳаққул Хусанбоевнинг хотирлашича, В. И. Ленин Туркистонда халқ хўжалигини тиклаш, босмачиларга қарши кураш, партия миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириш масалалари билан мунтазам қизиқиб турган. Ҳ. Хусанбоев Владимир Ильич Ленинни илк бор кўрганини шундай тасвирлайди: «Ўша пайтдаёқ у менга ўзимнинг эски қадрдоним, энг яхши танишимдек туюлди... Партиянинг раҳбари биз, оддий аъзолари билан бунчалик оддий ва дўстона сўзлашади, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим».

В. И. Лениннинг сафдошларидан бири Нариман Нариманов бундай деган эди: «...автоном ва мустақил республикалар орасида Туркистон билан Озарбайжонга алоҳида эътибор берди. У айтган эдики, бу республикалар Шарқнинг дарвозасидир, уларда бўлаётган ҳамма иш бир зумда қўшни давлатларга ёйилади ва бу мамлакатларнинг эзилган халқлари биз қанақа эканлигимизни билиб, сезиб оладилар».

1920 йил бошларида Туркистон фронтининг Қизил Армия вакиллари билан қилган суҳбатида В. И. Ленин, жумладан қуйидагиларга эътибор берган эди. «Туркистондаги иш,— деган эди у,— ҳозирги пайтда ғоят катта халқаро аҳамиятга эга. Бизнинг Шарққа оид сиёсатда муваффақиятга эришувимиз — Тошкентдаги ишларимизнинг усталик билан ва тўғри қўйилишига боғлиқ». Сўнгра Ильич, «Совет Туркистони империализм томонидан асоратга солинган қўшни халқлар учун жозиба маркази ва яққол намуна бўлиб қолади» деб ишонч билдирди.

В. И. Ленин ҳаёт вақтидаёқ туб социал-иқтисодий ўзгаришлар изчил суратда амалга оширилиши натижасида Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари социалистик республикаларга айланди. Улуғ Ленин, партия Хоразм ва Бухоро халқларига капитализмни четлаб социализм сари боришларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатдилар.

Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда Туркистонда юзага келган мавжуд аҳвол ғоят мураккаб, алоҳида ва масъулиятли эканлигини В. И. Ленин ўзига хос аниқлик ҳамда теранлик билан англаб етди. Ленин партиянинг миллий масаласига доир программ қоидаларини, ўтмишдан мерос бўлиб қолган социал ва миллий зулмни тугатиш учун, социализм ҳамда коммунизм қуриш учун умумий курашда барча миллат ишчи ва деҳқонларини яқинлаштириш сиёсатини изчил суратда, қатъиятлик билан ҳамда айни замонда ниҳоятда эҳтиёткорлик ва усталик билан амалга ошириш большевистик партия Ўрта Осиё халқларининг ҳаётини қайта қуриш проблемаларини ҳал этишида асосий воситадир, деб ҳисоблади. Лекин социалистик қайта қуришлар анчагина оғир ўтди. Айниқса ўрта асрчилик, эски диний анъаналар Россияга қараганда бу ерда қийинчиликлар туғдирди.

В. И. Ленин бу ерда «социализмга анча секинлик, анча оҳисталик ва изчиллик билан ўтиш...» лозим деб огоҳлантирган эди. У миллий республикалардан бўлган ходимларни шошмашошарлик қилишдан, ўлкаларни «дарҳол коммунизациялаш»га уринишдан огоҳлантириб турарди. Конкрет маҳаллий шароитда, деб таълим берган эди В. И. Ленин, кўпроқ эҳтиёткорлик билан иш кўрмоқ, кўпроқ сиёсий хушмуомалада бўлмоқ, майда буржуазияга, миллий зиёлиларга ва айниқса деҳқонларга маълум даражада ён бермоқ лозим. В. И. Ленин Туркистонда яшовчи халқларнинг ҳар қайсисига тараққиёт даражасини ҳамда тарихан таркиб топган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ғамхўрлик қилишни талаб қилган эди.

В. И. Лениннинг номи Ўрта Осиё хотин-қизларининг озодликка чиқиши, уларнинг асрлар бўйи давом этиб келган қуллик ва истибдод занжирларини улоқтириб ташлаши, жаҳолат ва нодонликдан, жамиятдаги нотенг мавқедан ҳалос бўлишидан иборат тарихий проблемаларнинг ҳал қилиниши билан маҳкам боғлиқдир. Хотин-қизларни озодликка чиқариш учун оташин ва эҳтиросли курашчи бўлган Ленин Ўрта Осиёдаги меҳнаткаш аёлларнинг содиқ дўсти ҳамда устози, меҳрибон кишиси эди. Туркистон хотин-қизлари асрий қулликдан озод бўлишларини, маърифат нуридан баҳраманд бўлишга, ижодий меҳнат қилишга интилаётганликларини зийраклик билан кузатиб борди. В. И. Ленин Совет Шарқи хотин-қизлари билан учрашган ва суҳбатлашган вақтлар ҳам бўлган.

Ўша вақтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон аҳолисининг кенг оммаси ўртасида В. И. Лениннинг номи жуда машҳур бўлиб кетганидан большевистик партиянинг Туркистонга юборилган вакилларидан бири А. И. Иоффенинг Москвага йўллаган хатлари ҳам далолат беради. А. И. Иоффе кўчманчиларнинг овулларида ва ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқларда бўлиб, ўз олган таассуротлари ҳақида бундай деб ёзган эди (ўшанда ер—сув ислоҳоти ўтказилаётган давр эди): «оммада (камбағалларда) ўша дамдагидек хушвақтликни мен кейин ҳеч қачон кўрмадим... «Лениннинг вакили» келганлиги ҳақидаги хабар ҳамма ерда яшин тезлигида тарқалиб кетганлигидан халқ оломони мени шод-ҳуррамлик билан қарши олди ва кузатиб борди ҳамда бу билан у Совет ҳокимияти олдида, жумладан ўртоқ Ленин олдида шод-ҳуррамлик билан таъзим бажо қилгандек эди».

**Ў. ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**тарих фанлари кандидати, доцент.**

## ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИДА

**□ Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда В. И. Ленин асарлари 122 тилда 16 мингдан ортиқ марта босиб чиқарилди. Унинг асарлари СССР халқларининг 68 ва хорижий мамлакатлар халқларининг 54 тилида нашр этилган. Уларнинг умумий тиражи 600 миллион нусхадан ҳам ошиб кетган.**

**□ В. И. Ленин асарларини чет элларда 20-аср бошларидаёқ нашр қилишга киришилди. 1902 йилда улуғ доҳийнинг «Нима қилмоқ керак?» деган асари инглиз тилида босмадан чиқди.**

**□ 1916 йилдан бошлаб В. И. Ленин асарлари Америка Қўшма Штатларида нашр этила бошланди. 1918 йилдан эса Лотин Америкаси мамлакатларида чиқа бошлади. Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари халқлари улуғ доҳий асарларини 1920 йиллардан бошлаб ўз тилларида ўқий бошладилар.**

**□ В. И. Ленин асарлари чет тилларга таржима қилиниши сони жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туради.**

# КПСС делегациясининг ГДРда бўлиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

КПСС делегацияси аъзолари институт илмий лабораторияларини кўздан кечирдилар, олимлар билан суҳбатлашдилар, электрон ҳисоблаш техникасини қўлланиш асосида халқ хўжалигини бошқаришнинг илмий методлари билан батафсил танишдилар.

М. С. Горбачев институт ходимларига миннатдорчилик билдириб, улар тадқиқот ва амалий ишларида тўғри йўлдан бораётганлигини таъкидлади.

КПСС делегацияси шу куни Потсдам округига борди. Округнинг минг-минглаб аҳолиси Ленин партияси вакилларини самимий табриклади.

ГБСП округ комитети раҳбарлари билан суҳбат бўлиб ўтди.

М. С. Горбачев Потсдам округ партия комитетига эсдалик Қизил байроғини топширди. Округ комитетининг биринчи секретари Г. Ян уни қабул қилиб олаётиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретарига самимий миннатдорчилик билдирди. Бу Қизил байроқ округ коммунистлари учун жуда қадрлидир. Улар 1 май намойишига шу байроқни кўтариб чиқадилар, деди у.

Сўнгра КПСС делегацияси музаффар 1945 йилнинг ёзида СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқларининг Потсдам тарихий конференцияси бўлиб ўтган «Цецилиенхоф» саройига борди. 1952 йилда сарой биносида музей очилган бўлиб, уни ҳар йили деярли ярим миллион киши келиб кўради.

М. С. Горбачев, КПСС делегациясининг бошқа аъзолари конференция бўлиб ўтган зални, совет делегациясининг иш хонасини, музейнинг бошқа хоналарини кўздан кечирдилар.

М. С. Горбачев музейда тўпланганларга мурожаат қилиб, бундай деди: бу ерга келган ҳар бир киши, бутун инсоният тарихида энг қонли урушга якун чиқарилган айниқса мана шу жойда беихтиёр тарихга мурожаат қилади. Бу ерда инсоният тўғрисида, унинг тақдири ҳақида ўйламаслик мумкин эмас.

Бу ерда кўрсатилган ҳужжатлар Гитлерга қарши коалиция давлатларининг раҳбарлари Потсдам конференцияси тугагандан сўнг тағин ҳам мустаҳкамроқ тинчликка умид сўзлари билан тарқалганликларини эслатди. Бу сўзлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Бир жиҳатдан, бошқа районларда ҳарбий можаролар юз бериб турган бўлсада, биз Европада қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён тинчликда яшаб келдик. Бу — энг аввало, социалистик давлатларнинг, шунингдек бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг жуда катта ҳиссаси туфайли эришилган тинчлик кучларининг зўр ғалабасидир.

Иккинчи жиҳатдан, биз яшаётган давр жуда ташвишли ва хавфли давр эканлигини биламиз. Баъзи бировлар яна ҳарбий устунликка эришиш, дунёда ҳукмрон бўлиш саробига берилмоқда. Агар буларнинг ҳаммаси ядро асрида бўлаётганлиги ва бундай сиёсат нималарга олиб бориши мумкинлиги назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда тинчликни қадрлайдиган ҳамма кишилар, бу тинчлик қанчалик қурбонлар эвазига қўлга киритилганлигини унутмаган кишилар ҳозирги вақтда энг муҳими — Потсдамда якун чиқарилган иккинчи жаҳон уруши қурбонлари беҳуда кетмаслиги учун ҳамма нарсани қилишлари зарур. Бу ерда, музейда ўйлаб кўриш лозим бўлган ишлар кўп...

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сўнгра Совет Иттифоқининг катта дўсти ва Европа марказида тинчликнинг қудратли омили бўлган бугунги ГДР уруш ва урушдан кейинги тараққиётнинг энг муҳим натижаларидан бири эканлигини эслатди. Бироқ, келажак ҳақида ўйлаш керак, деди у. ГБСП XI съезди худди шунга бағишланган. Кеча съезд делегатларидан бири социализм нақадар кучли бўлса, тинчлик шу қадар мустаҳкам бўлади, деб айтди. Аммо социализм ўз имкониятларини намоён қилиши учун у ҳам тинчликка муҳтождир. Жуда яхши сўзлар, жуда тўғри сўзлар булар!

Бизнинг партиямиз XXVII съездида ҳам, бошқа қардош партиялар съездларида ҳам шу мавзу янгради, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Бу мавзу ҳамда бизнинг истиқбол режаларимиз — халқларимиз нималар ҳақида ўйлаётганликлари ва нималарга интилаётганликларининг энг яхши далилидир. Тинчликни сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўравeрамиз!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўтмишни тушуниб етишга, ундан тегишли сабоқ чиқариб олишга ёрдам берадиган фойдали ишлари учун музей ходимларига миннатдорчилик изҳор этди. У РСФСР халқ рассоми О. С. Кирюхиннинг болаларга тинчлик ва бахт-саодат бахш этаётган совет солдати рамзи бўлган ҳайкални музейга совға қилиб топширди.

М. С. Горбачев музей фахрий меҳмонлари китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди:

«Цецилиенхоф билан, фашизмнинг тор-мор этилиши ва Европада адолатли тинчлик ўрнатилиши рамзи бўлиб қолган Потсдам конференцияси ўтказилган жой билан танишув бизда чуқур таассурот қолдирди. Бу конференция турли ижтимоий тузумга мансуб бўлган давлатлар ҳамкорлик қилиши мумкинлиги намунаси ҳамдир.

«Гўё Потсдам билан Ялта Европани парчалаб юборди», деган гаплар ҳақиқатга мутлақо зиддир. Аксинча, улар Европадаги барча давлатларнинг тинчлик шароитида эркин ва демократик ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Европани Ғарбнинг ҳарбий устунликка эришиш нияти, Ғарбий Германия милитаризмини тиклашга уриниши парчалаб ташланди. Совет Иттифоқи бутун социалистик ҳамдўстлик каби ана шу парчаланишни бартараф этиш, Умумевропа жараёнини янада ривожлантириш асосида кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратларини бўшаштирмайди».

М. С. Горбачев, КПСС делегацияси аъзолари сафарида ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Миттаг ҳамроҳлик қилди.

# Буюк почин анъаналарига садоқат

**Оркестр овози, меҳнат ҳақидаги қўшиқлар, завод гудокларининг тантанавор ҳайқириғи бизни меҳнат байрамига чорлади. Шунда 1919 йили газеталарда Лениннинг «Буюк почин» мақоласида келтирилган сўзларни ёдга оламиз. «...бу ерда... берилиб, ғайрат билан ишлаётганликларини... кўрсатмоқдалар. Энди кундалик иш вақтида коммунистик шанбалик вақтидагидан кўра кам иш қилсак уят бўлади...»**

КПСС XXVII съезди яна бир бор тасдиқлаган инсон омили тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик манбаи мана шунга асосланади. Бу ғалаба қозонган социализм ўзининг энг қудратли кучи — онгли, ижодий, эркин меҳнат кучидан тўла даражада фойдаланиши тўғрисидаги ғамхўрликдир.

Жадаллаштириш ва қайта қуришнинг дастлабки ойлари давомида меҳнат коллективларида тўпланган энг яхши тажриба 19 апрель — Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишлаб ўтказилган коммунистик шанбаликда ишга солинди.

Масалан, Тошкент локомотив депосининг меҳнатчилари иш жойларини эгаллагунича, бешинчи тезюрар эстафета поезди Москвага яқинлашиб қолган эди. Тошкент перронидан икки кун олдин йўлга чиққан бу поездни таниқли машинист Диловар Фозилов бошқариб борарди. Бир қанча магистралларнинг темирйўлчилари бу составни бир-бирларига топшириб, аниқ графикка риоя этган ҳолда Жанубдан Шимолга бошқариб борар эдилар. Улар шу куни бу ишни бепул бажаришди. Қизил шанбалик куни меҳнатчилар сонини камайтиришни депонинг энг муҳим ютуғи, деб ҳисобламоқдалар. Йил бошидан бери ишчи, инженер-техниклардан 140 киши халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига жалб этилди. Партия XXVII съезди маъқуллаган белоруссиялик темирйўлчилар тажрибасининг дастлабки самараси ана шундай бўлди. Шанбаликда ишловчилар сони оз бўлса ҳам ўтган йилдагидан кам иш бажарилмади. 42 та тепловоз ремонт қилинди, 200 га яқин поезднинг қарийб ярими тежалган ёнилғи ҳисобига бошқарилди.

Саноат турли тармоқларининг меҳнаткашлари сифат ва самарадорликни оширишнинг йўлларини излаб топдилар. Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводининг янги прокат цехида қувур заготовкаларини тозалайдиган асбоб-ускуналарни созлаш ишларини одатдагидек, 76 киши эмас, 70 киши бажарди.

Ўзбекистоннинг миллион-миллион меҳнаткашлари бутун мамлакат билан шу куни совет ватани равнақи йўлида виждонан ва фидокорона меҳнат намунасини кўрсатдилар.

Дастлабки ҳисоб-китоблардан шанбаликда индустрия, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ва деҳқонлари студентлар, ўқувчилар, меҳнат ветеранлари — жами 9.144.000 дан кўпроқ киши ўз иш жойларида меҳнат қилди. Улар қарийб 48 миллион сўмлик маҳсулот бердилар, шунинг учдан бир қисми халқ истеъмоли молларидир. Қизил шанбаликнинг қолган қатнашчилари шаҳар ва қишлоқларни, кўчалар, ҳовлилар, микрорайонлар, корхоналар территориясини ободонлаштиришда қатнашганлар, гуллар ва дов-дарахтлар ўтқазганлар.

6.500 дан кўпроқ бригада, смена, цех ва участкалар маҳсулот ишлаб чиқаришда тежалган ресурслар: ёнилғи ва энергия, металл ва пахта, цемент ва ғишт, бошқа материаллардан фойдаландилар. Зарбдор сменага чиққанларнинг иш ҳақи 7.526.000 сўмни ташкил этди. Бу маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

(ЎзТАГ).

## КОМИССИЯ МАСЛАҲАТИ БИЛАН

ТЎЙТЕПА. (Телефон орқали олинди). Бу йил Ўрта чирчиқлик деҳқонлар 14 минг 370 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Улар ерларни, техникани ўз вақтида тайёрлаб, мавсумни барвақт бошладилар. Ҳамма ерда чигит экиш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Бугунги кунда далаларни айланган кишининг кўзи қувнайди. Пахтакорларнинг меҳнати илк самараси кўзга ташланиб турипти. Катта-катта майдонларда чигит бир текис ва қийғос униб чиқмоқда.

— Хўжаликларда тракторларга культиваторларни осишга барвақт киришилган эди,— дейди район партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири М. Ўринбоев.— Шунинг учун ҳам культивация қилиш авж олдириб юборилди. Бу тадбир Охунбобоев номли, «Ленин йўли», Свердлов номли колхозларда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Айни кунларда далаларда кўплаб культивация машиналари ишлатилмоқда.

Ҳар бир колхозда мутахассислардан иборат комиссиялар иш олиб бормоқда. Улар кун бўйи дала айланиб, уруғликнинг униб чиқиш ҳолатини кўздан кечирадилар, сўнгра таклифларини, мулоҳазаларини айтадилар. Ана шулар асосида қайси картага чигит суви бериш, қайси картада ниҳолларни культивация қилиш ва озиқлантиришни йўлга қўйиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилади.

Текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, бу йил район бўйича 4 минг гектар майдонга чигит суви бериш зарур. Бу иш бошлаб юборилди. Далаларда уруғликни ундириб олиш учун шу кунларда мингга яқин сувчи меҳнат қилмоқда. Улар махсус кийим-кечаклар билан таъминланди. Бу йилги шароитда сувдан тежамли фойдаланиш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда сувчилар билан семинарлар ўтказилди.

Ўрта Чирчиқлик пахтакорлар гектарларнинг тўла бўлиши учун бошқа зарур тадбирларни ҳам кўрмоқдалар. Асосий эътибор биринчи майга қадар барча майдонларда чигитни текис ундириб олишга қаратилган.

**Н. ИСАЕВ.**

## ҲАММАМИЗ, ҲАР БИРИМИЗ САФАРБАРМИЗ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ БИР ГРУППА ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ ОБЛАСТИМИЗ ИШЧИЛАРИ, ҚУРУВЧИЛАРИ, АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ МЕҲНАТКАШЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, МУТАХАССИСЛАРИ ВА ОБЛАСТИМИЗНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*ОЧИҚ ХАТИ*

МУҲОКАМАДА

# ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШИМИЗ ШАРТ

**КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ КУЙБИШЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ СУТ—ТОВАР ФЕРМАСИ ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЙИҒИЛИШИДА КПСС XXVII СЪЕЗДИ БИР ГРУППА ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ ОБЛАСТИМИЗ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ОЧИҚ ХАТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

**ФЕРМАГА кираверишда чорвадорларнинг 1986 йилги социалистик мажбуриятлари ёзиб қўйилган катта стендга кўзингиз тушади. Белгиланган марралар юксак. Съездлар йилида 540 тонна сут, 35 тонна гўшт етиштириш, сигирлардан 185 та бузоқ олиш кўзда тутилган. Соғувчилар ўзларига бириктилган ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2750 килограммдан сут соғиб олишга сўз беришган.**

**КПСС XXVII съезди бир группа делегатларининг «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган областимиз барча меҳнаткашларига Очиқ хати муҳокамасига бағишлаб ўтказилган цех партия ташкилоти йиғилишида зиммадаги вазифалар яна бир бор тилга олинди, уларни тўла амалга оширишга кўмаклашувчи муҳим таклифлар ўртага ташланди.**

**Муқаддам НУРМАТОВА, сут соғувчи, ферма цех партия ташкилотининг секретари, КПСС XXVII съезди делегати:**

— Фермамиз цех партия ташкилоти ҳисобида 12 коммунист ва бир нафар партия аъзолигига кандидат бор. Уларнинг ҳар бири ўз зиммасига аниқ мажбуриятлар қабул қилган. Мажбуриятларни бажариш йўлида бор имкониятлар ишга солинмоқда. Лекин кўзланган маррага эришиш қийин бўлаяпти. Мен бугун ишга тўғаноқ бўлаётган баъзи камчиликлар ҳақида гапирмоқчиман.

Область матбуотида эълон қилинган Очиқ хатга имзо чеккан делегатлар орасида мен ҳам борман. Биз «Чорвачиликда чинакам бурилиш ясайдиган, қуруқ гапдан амалий ишга ўтадиган вақт келди, чорвачилик маҳсулотлари қоғозда эмас, амалда зарур» деб айтдик. Бундай деб ёзишимизнинг сабаби бор. Кўпгина жойларда, шу жумладан, бизнинг фермада ҳам чорва маҳсулотлари етиштириш планлари ўлда-жўлда қолиб келаяпти. Ўтган кварталда мўлжалдагидан 27 тонна сут кам соғиб олдик.

Қолоқликнинг сабаблари кўп. Молга, энг аввало, тўйимли озуқа керак. Ўтган кварталда биз бир марта ем олдик, холос. Сигирларга қуруқ хашакни қанчалик тиқиштирмайлик, барибир сут кўпаймаяпти. Шу боисдан март ойининг айрим кунларида 200 бош сигирдан соғиб олинган сут 700 килограммга ҳам етмади.

Сигирларни ёшартириш ҳам муҳим муаммо бўлиб турипти. Соғин сигирларнинг қарийб ярми қариб, сутдан чиқиб қолган. Улар ўрнини зотдор ғунажинлар билан тўлдириш эса суст бораяпти. Эндигина 20 бош ғунажин соғин сигирлар қаторига қўшилди. Очиқ хатда давр талаби — жадаллаштиришдир, деб бежиз таъкидланмаган. Жадаллаштириш бизнинг соҳада ҳам бўлиши керак. Акс ҳолда беш йиллик охиригача подани ёшартиролмаймиз.

Ферма кўпгина хизматларга муҳтож. Мавжуд бузоқхона талабга жавоб бермайди. Ветеринария хизмати ниҳоятда бўш ташкил этилган. Шамоллаган бузоқларни укол қилишга ҳатто пенициллин йўқ. Бошқа хил дори-дармонлар, витаминлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Туғуруқхона шароити ҳам ёмон. Бу ҳақда гапиравериб чарчадик. Ҳамон гап гаплигича қолиб келаяпти.

**Турсунмуҳаммад СИДДИҚОВ, зоотехник:**

— Мени ишга яқинда тайинлашди. Янги келган одамнинг кўзига ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам тез ташланади. Бу ерда ютуқдан кўра камчиликлар кўп экан. Очиқ хатда чорвачиликка оид техникадан фойдаланишдаги масъулиятсизликка, исрофгарчиликка чек қўйайлик, деб даъват этилган. Бу даъватга биз ҳам қўшилиб, ишда ижобий ўзгаришлар ясашимиз керак.

Озуқа цехи учун зарур бўлган қимматбаҳо механизмлар икки йилдан бери ўрнатилмай, очиқ ҳавода ётган экан. Фермада холодильник, сут блоки, сунъий урчитиш пункти йўқ. Моллар яйратиладиган майдонлар тор. Ҳар бир сигир икки кунда бир марта яйратишга олиб чиқилаяпти. Сир эмас, моллар кўпроқ яйратилса, ҳайдаб боқилса, овқат тез ҳазм бўлади, сути кўпаяди. Сутнинг ёғлилик даражасини аниқлашда ҳам қийинчиликлар туғилаяпти. Уни ўлчовчи лаборант йўқ. Бу муаммоларни ҳал этмай туриб, чорва маҳсулотларини кўпайтириш амри-маҳолдир.

Кунлар исиши билан сут соғиш вақтини ҳам ўзгартиш керак. Биринчи соғин — соат 6 дан 8 гача, иккинчи соғин — соат 18 дан 20 гача қилиб белгиланганн маъқул. Шунда сутнинг сифати бузилмайди. Бундан буён сут соғувчилар ўртасида меҳнат интизомини яна ҳам мустаҳкамлашимиз керак. Ҳамма белгиланган вақтда аппаратларни ишга солиши зарур. Шунда соғиб олинадиган сут яна ҳам кўпаяди. Бу соҳада коммунист Мўътабар Болтабоева тўплаган тажрибага амал қилиш керак. У ўз боқимидаги 20 бош сигирдан биринчи кварталда 11 тонна сут соғиб олиб, планни анча ошириб бажарди.

**Мўътабар БОЛТАБОЕВА, сут соғувчи:**

— Қидирсанг имконият топилар экан. Моллар вақтида озиқлантирилса, елини иссиқ сув билан ювилиб соғилса, ҳар бир сигирдан 2—3 литр қўшимча сут олиш мумкин. Баъзан биз сувни иситишга эриниб, совуқлигича сигир елинини ювамиз. Бунда сигир қирсиқади. Ҳозир мен молларни олти маҳал озиқлантираяпман. Уч маҳал ем, хашак, силос, энг охири кўк масса бераман. Делегатларнинг Очиқ хатини ўқиб, ички имкониятлардан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш лозимлигини ҳис этдим. Боқимимдаги сигирларнинг ҳар биридан йил давомида пландаги 2750 килограмм эмас, 2850 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилдим.

Сут соғувчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар бўлиши керак. Чорвадорлар уйи қурилиши йилдан-йилга чўзилиб келаяпти. Маданий - маиший шароитларга муҳтожмиз. Коллектив бўлиб театрларга боришни, маданий ҳордиқ чиқаришни, ўзимизни қизиқтирган мавзуларда лекция ва суҳбатлар тинглашни орзу қиламиз. Бу масалада колхоз партия комитети зарур чоралар кўради, деган умиддамиз.

**Воҳид АБДУХАЛИЛОВ, молбоқар:**

— Илгари биз ҳам, соғувчилар ҳам мусобақалашиб ишлардик. Кейинги пайтда мусобақага эътибор бермай қўйилди. Ким илғор, ким қолоқ — билиб бўлмайди. Яхши ишлаётганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмайди. Съездлар йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда мусобақанинг ижобий роль ўйнаши табиийдир.

Очиқ хатда сифат ҳар биримизнинг меҳнатга, касбимизга бўлган муносабатимизни кўрсатади, деб тўғри айтилган. Лекин янги молхона қурилишида «Ташоблколхозстрой» трестига қарашли 57—кўчма механизациялашган колонна бинокорлари сифатли ишлашмади. Охурларни тескари ўрнатиб қўйишди. Молларга солинаётган озуқанинг бир қисми ерга тўкилиб қолаяпти. Пол тахталар эса узунасига эмас, кўндалангига қоқилган. Молхона яхши ёритилмайди. Дарвозадан эса ичкарига прицеп кира олмайди. Молларга озуқа қўлда тарқатилмоқда. Бир сўз билан айтганда сифатсиз иш — келтирар ташвиш, деганлари тўғри экан.

Ҳозир моллар яйратиладиган янги майдон қурилаяпти. Уни қабул қилиб олишда колхоз раҳбарлари сезгирроқ бўлишлари, чала жойлар битмагунча актга имзо чекмасликлари керак. Бўлмаса бутун қийинчилик яна бизнинг устимизга тушади.

Сўзга чиққан сут соғувчи Сафаргар Ўсканбоева, механизатор Султон Раҳматуллаев ва бошқа коммунистлар ҳам Очиқ хат муаллифлари билан ҳамфикр эканликларини билдирдилар.

**... Ферма коммунистлари ҳаёт олдимизга қўяётган муҳим, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ўртага ташладилар, уларни бажариш юзасидан конкрет вазифаларни белгилаб олдилар. Эндиликда йиғилиш қабул қилган қарорлар қоғозда қолмаслиги керак. Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ташкилотлари ҳамкорликда ишлаб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш, ферма ходимлари иш ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан тезда амалий чораларни кўрмоқлари лозим. Чорвадорлар иш сифати ва самарадорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имкониятлари беҳисоб. Уларни излоб топиш ва ишга солишга молбоқардан тортиб раисгача — ҳамма дахлдордир.**

**Ж. НОСИРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# БУ ҲАММАГА ТААЛЛУҚЛИ

КПСС XXVII съезди бир группа делегатларининг «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган Очиқ хатида билдирилган фикр-мулоҳазаларга қўшилмай бўлмайди. Айни зарур гаплар айтилибди. Чунки ҳозир бурчни тўғри англаш ва меҳнатга бўлган муносабат ҳал қилувчи муҳим омил бўлиб қолди, ҳар кишидан янгича ишлаш талаб қилинмоқда.

Очиқ хатда ҳар бир киши, у қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар, ўз иш жойида юксак онглилик, масъулият ва ҳалоллик билан меҳнат қилса, топшириқларни муддатида кўнгилдагидек қилиб бажарса, аввало ўша коллективда, қолаверса, шаҳар, район ва областда ишнинг пировард натижаси қувонарли бўлаверади, деб жуда тўғри айтилган. Бу маҳаллий Советларнинг ходимларига ҳам тааллуқлидир. Территорияда иқтисодий ҳамда социал-маданий ривожланиш кўлами ва суръати давр талабидан ортда қолмаслиги учун ҳар бир совет ходими ўз вазифасини сидқидилдан бажариши керак.

Биз КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXI съезди кўрсатмаларидан хулоса чиқариб, кейинги пайтларда маълум муддатга мўлжаллаб тузилаётган план ва тадбирларимизнинг реал, амалда бажариладиган бўлишига эътиборни кучайтиряпмиз. Масалан, посёлкани ободонлаштириш ва территориядаги санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш юзасидан 1986 йил учун белгиланган тадбирлар пухта ўйлаб тузилиб, ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари посёлка Советининг бешинчи сессиясида тасдиқланган эди. Ҳозир бу тадбирларнинг кўпи белгиланган муддатидан илгари бажарилаяпти.

Алоқа уйи қурилиб ишга туширилганлиги муносабати билан Ленин кўчасидаги пиёдалар йўлкачалари бузиб ташланган эди. Район алоқа узели буюртмаси билан 94-ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари кўчани қисқа муддатда тартибга келтирдилар. Тадбирларда эса 1 майгача тузатиш мўлжалланган эди. Чирчиқ кўчасидаги икки қаватли уйларни тартибга келтириш, атрофларини ободонлаштиришга иккинчи кварталда киришишни планлаштирган эдик. Турар-жойлардан фойдаланиш бошқармаси ходимлари билан 94-ремонт-қурилиш бошқармаси бинокорлари бу ишни биринчи кварталдаёқ бошлаб юборганлар.

Бутун посёлка территориясидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган суғориш шахобчаларини қайтадан тиклаш йирик тадбирларимиздан биридир. Бош архитектор билан бамаслаҳат суғориш шахобчаларининг янги лойиҳасини тайёрладик ва ишни бошлаб юбордик. Район ижроия комитети раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Асқарали Ўктамалиев бу муҳим тадбирни тез ва сифатли қилиб бажаришда шахсан жонбозлик кўрсатяпти. Умуман, посёлка Советининг депутатлари Беркинбой Холтурсунов, Эрмат Бойматов, Асқарбек Ботирбеков, Александра Никитина, Фаина Ҳожиевалар ташаббус кўрсатиб, куч-ғайрат сарфлаётганликлари туфайли сессия тасдиқлаган тадбирлар комплекси муваффақиятли бажарилмоқда.

**Т. АБДУҚОДИРОВА,**
**Янгибозор посёлка Совети ижроия комитетининг раиси.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## АДР ПОКИСТОНГА НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

ҚОБУЛ, 19 апрель. (ТАСС). БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Покистоннинг АДРдаги мувaққат ишлар вакили ташқи ишлар министрлигига чақирилиб, унга Афғонистон томони неча бор огоҳлантирганига қарамай, Покистон ҳарбий маъмурлари Афғонистонга қарши агрессия ҳаракатларини давом эттираётганликлари айтилди. Масалан, АДР мўътабар органларининг хабарига кўра, шу йил 14 ва 16 апрель кунлари Покистон ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Афғонистондаги бир неча аҳоли пунктларига бомбалар ташлаган ва унинг натижасида 4 киши ҳалок бўлган ва 50 га яқин киши, шу жумладан хотин-қизлар ва болалар яраланган. Анчагина иморатлар вайрон бўлган.

АДР ҳукумати икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мушкуллаштирувчи мана шу ёвуз иғвогарлик ҳаракатлари муносабати билан Покистон маъмурларига қатъий норозилик билдиради ва бундай ҳаракатлар тўхтатилсин, деб талаб қилади.

## ЛИВИЯДА АМЕРИКАГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

ТРИПОЛИ, 19 апрель. ТАСС мухбирлари В. Богачев ва Г. Шеленков хабар берадилар: Ливия шаҳарларининг аҳолиси Америка авиациясининг ваҳшиёна ҳужумлари чоғида ҳалок бўлган ватандошларини сўнгги йўлга кузатиб қолди.

Триполи кўчаларидаги кўп минг кишилик мотам юриши қатнашчилари «Рейган — болаларнинг қотили!», «Америкага лаънат!» деб ғазаб билан хитоб қилдилар. «Ал-Ғани» қабристонида мотам митинги бўлиб ўтди. Митингда сўзлаган Ливия революцион раҳбарлик органининг аъзоси Хувейлди ал-Хмейди бундай деди: Вашингтон соҳилларимизга ўз авианосецларини юборди, шаҳарларимизнинг тинч кварталларига қарши ўнлаб энг замонавий самолётларни ташламоқда, аммо Вашингтон маъмуриятининг Ливия халқини тиз чўктиришга уринишлари барбод бўлғусидир.

Америка агрессияси қурбонларининг қабри устида минглаб кишилар ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашни давом эттиришга қасамёд қилмоқдалар.

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● АДАН. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — демократик Яман халқ хўжалик планлар етакчи йўналишлардан биридир. Аммо бу планларни рўёбга чиқариш осон эмас: кўпгина районларнинг ноқулай иқлим шароитлари — жазирама иссиқ иқлим, намнинг кам бўлиши ҳамда ерларнинг унчалик яроқли эмаслиги деҳқончиликни юксалтиришда қўшимча қийинчиликларни юзага келтиради. Ортиқча капитал маблағлар талаб этилади.

Мутахассислар турли-туман ихтисослаштирилган бўғинлардан иборат йирик қишлоқ хўжалик объектларини барпо этиш зарур, деган хулосага келдилар. Бундай комплекслар Жанубий Яманда бундан бир неча йил муқаддам Ҳадрамаут ва Шабва вилоятларида бунёд этилган эди. Бу комплекслар суғориш ва ерга ишлов бериш, дон экинлари ва уларнинг парвариши, сабзавот ва мева экинлари селекцияси ва уларни етиштириш, чорвачилик ва паррандачилик, шунингдек тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланадиган хўжаликлар ва фермаларни бирлаштирди.

● ДАМАШҚ. Иордан дарёси ғарбий қирғоғидаги Ал-Халил шаҳрида бўлиб ўтган оммавий намойиш қатнашчиларига қарата Исроил босқинчилари ўқ уздилар ва кўздан ёш оқизадиган граналар ишлатдилар. Маҳаллий техника коллежининг студентлари, мактабларнинг ўқувчилари, деҳқонлар, хизматчилар, ишчилар намойишчилар сафида кўчага чиқиб, Тель-Авивдан туб араб аҳолисига қарши зўравонлик ва жабр-зулмни тўхтатишни талаб этдилар. Улар «Еримиздан даф бўлинг!», «Ғалабага қадар курашамиз!», «Фаластин Озодлик Ташкилоти — Фаластин халқининг ягона қонуний вакили» деган шиорлар остида тинч намойишга йиғилдилар. Сафлар тепасида Фаластин миллий байроқлари ҳилпираб турарди.

Исроил маъмурлари намойиш қатнашчиларини тарқатиб юбориш учун қўшинларни ишга солдилар. Улар эса намойишчиларга қарши қурол-яроғ ишлатдилар. Ваҳшиёна ҳуруж туфайли ўн бир киши яраланди. Юзга яқин одам қамоққа олинди. Намойиш кўламидан чўчиган босқинчилар бошқа районларда ҳам ана шундай намойишлар бўлмаслиги учун чоралар кўрмоқдалар.

● ҚОҲИРА. Мисрдаги Искандария шаҳрининг зиёратгоҳларидан бўлган Каитбей форти таъмир ишларидан кейин ўзининг дастлабки қиёфасини намоён этди. Зилзила туфайли вайрон бўлган машҳур Фаросс маёғи ўрнида қурилган бу қалъа дунёнинг «етти мўъжизаларидан» биридир. У кўп вақтлар Искандарияни денгиздан қилинадиган ҳужумдан ҳимоя этган. Таъмирлаш чоғида мутахассисларга кўҳна суратлар ва гравюралар қўл келди, чунки буларда қалъанинг ташқи кўриниши ва улардаги иморатлар тасвирланган эди. Форт территориясида бир қанча музейлар жойлашган. Ҳозир Каитбейда «Товуш ва нур» деган ажабтовур театр томошаси уюштириш кўзда тутилмоқда.

(ТАСС, 21 апрель).

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

## БОЛАЛАРДА ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Ўз вақтида қудратли қаҳр-ғазаб тўлқинини юзага келтирган Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳри фожеаси ҳақида унинг айбдорлари Американинг «Юнион карбайд» концерни ва унинг Вашингтондаги ҳомийлари эсламасликка ҳаракат қиладилар. Бироқ, ундан азият чекканлар ва уларнинг яқинлари бу воқеани унутмайдилар. Шундай қилмишларнинг янги фактлари ҳам шу фожеани унутишга йўл қўймайди. Зўравонлар ва бойлар янада кўпроқ бойлик орттириш учун ҳар қандай йўлдан ҳам қайтмайдилар.**

**Ҳозирги вақтда Доминикан республикасида юқумли менингитни даволаш учун янги медицина препаратлари синаб кўрилмоқда. Уни америкалик олимлар Роберт Рид Кабраль номидаги марказий болалар касалхонасида ўтказишаяпти. Вашингтондаги «Чилдренз хоспитал нэшнл» мутахассисларига соғлиқни сақлаш министрлиги системасида ишлайдиган маҳаллий врачлар ёрдам беришаяпти.**

**Афтидан зарур ишни қилишмоқда. Бироқ, янги препаратлар лаборатория жониворларида эмас, балки доминикан болаларида синаб кўрилаётганлиги маълум бўлиб қолди.**

**Натижалари маҳфий сақланаётган экспериментлар мана деярли уч йилдан бери олиб борилаяпти. Учинчи авлод антибиотиклари — сульфактан, аэтреонан ва цефтаздим болаларда синовдан ўтказилаяпти. Республика қатор жамоат ташкилотларининг гувоҳлик беришича бундай «даволаш курси»дан ўтган бир неча бола вафот этди.**

**Роберт Рид Кабраль номидаги касалхона касаба союзи синовларни тўхтатишни қатъий талаб қилмоқда ва доминикан врачлар уюшмасини ўз талабларини қўллаб-қувватлашга даъват этмоқда. Бироқ, болалар устида олиб борилаётган экспериментлар ҳамон давом этяпти.**

**АҚШга қарам бўлган «учинчи дунё» мамлакатларининг аҳволи шундай аянчли. Улар арзон хомашё, арзон ишчи кучи етказиб берувчи сифатида қаралиб келинган бўлса, эндиликда тептекин ҳаёт етказиб берувчилар ҳам бўлиб қолдилар. Бу империализмнинг жинояткорона, ёввойиларча фаолияти умумий кўринишидаги оддий воқеага ўхшайдигандек туюлади. Бироқ, у етарли даражада типик бўлиб, империалистик давлатлар ривожланаётган мамлакатлар халқларига нисбатан синовлар ўтказиладиган қуёнлар сифатида ҳам муносабатда бўлишаётганидан далолат беради. Энг муҳими, бунинг учун (инсон ҳаёти учун!) ҳеч қандай ҳақ тўланмайди.**

**АҚШнинг ўзида ёки Ғарбнинг бошқа ривожланган ҳар бир мамлакатида ман қилинган нарса «учинчи дунё»да осонликча ўтказилаверади, Вашингтон маъмурияти сўздагина «учинчи дунё» ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва демократия учун актив курашчи бўлиб кўринади.**

Эмилио ОРТИС,
доминикан журналисти.
Санто-Доминго (АПН).

